

**ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASI JOQARÍ  
BILIMLENDIRIW, ILIM HÁM INNOVACIYALAR  
MINISTRIGI**  
**ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASI MÁDENIYAT HÁM  
TURIZM MINISTRIGI**  
**ÓZBEKSTAN MÁMLEKETLIK KONSERVATORIYASI  
NÓKIS FILIALI**

**MUZÍKA HÁM KÓRKEM ÓNER  
XABARSHÍSÍ**

*ilmiy-metodikalıq jurnal*

**MUSÍQA VA SAN'AT AXBOROTNOMASI  
Ilmiy-uslubiy jurnal**  
**ВЕСТНИК МУЗЫКИ И ИСКУССТВА**  
**Научно-методический журнал**

**BULLETIN OF MUSIC AND ART  
Scientificmethodical journal**

**№ 1**

## **SHOLKEMLESTIRIWSHI:**

*Ozbekstan mämleketlik konservatoriyası Nökis filiali*

**Bas redaktor:**

– Allanbaev Rudakiy, professor w.w.a

**Bas redaktor orınbasarı:**

– Kamalova Dilfuza, filologiya ilimleri boyınsha filosofiya doktorı (PhD)

**Juwaplı xatker:**

– Gulmira Palwanova

## **REDKOLLEGIYA AGZALARI:**

**Omonilla Rizaev**

– Ozbekstan mämleketlik korkem öner ham madeniyati instituti, professor w.w.a.

**Hikmat Rajabov**

– Ozbekstan mämleketlik konservatoriyası Nökis filiali, professor w.w.a.

**Sayyora Gafurova**

– Ozbekstan mämleketlik konservatoriyası, professor

**Oydin Abdullaeva**

– Ozbekstan mämleketlik konservatoriyası, professor.

**Qurbanbay Jarimbetov**

– Qaraqalpaq mämleketlik universiteti, professor.

**Alima Berdimuratova**

– Qaraqalpaq mämleketlik universiteti, professor.

**Ziyada Bekbergenova**

– OzR IA Qaraqalpaqstan bölimi, professor.

**Oqilxon Ibragimov**

– Ozbekstan mämleketlik korkem öner ham madeniyat instituti, professor.

**Azizbek Turdiev**

– Ozbekstan Respublikası Oliy Majlis Senatmn jaslar, madeniyat ham sport mäseleleri komiteti başlığı orınbasarı, filologiya ilimleri boyınsha filosofiya doktorı (PhD).

**Allanazar Abdiev**

– Filologiya ilimlerinin kandidati, Qaraqalpaqstan Respublikası xalıq jazıwshısı

**Artıqbay Erejepov**

– Nökis qalalıq 1-sanlı balalar muzıka ham korkem öner mektebi, pedagogika ilimleri boyınsha filosofiya doktorı (PhD).

**Janabay Marziyaev**

– Qaraqalpaq mämleketlik universiteti, filologiya ilimleri boyınsha filosofiya doktorı (PhD), docent.

**Iroda Mirtalipova**

– OzMK janındagi B.Zokirov atındagi MEKOI, korkem onertaniw ilimleri boyınsha filosofiya doktorı (PhD).

## **JAMIYETLIK KENES:**

Baxtiyor Sayfullaev

Najimatdin Muxameddinov

Ozodbek Nazarbekov

Najimatdin Ansatbaev

Komoliddin Urinbaev

Gulistan Annaqlicheva

Dawitbay Qurbaniyazov

Rayxan Saparova

Qalbay Turdiev

Paraxat Mamutov

## MAZMUNI

Алланбаев Р. Миллий мәдениеттеги мұнайсызды рауажландырыу жолында және бир кәдем ..... 3

## MUZIKATANIW

Мамутов П.А. Замангәй музыка тәлим системасын жетилистириуде руухыйлықтың орны .....	5
Пахратдинов Ш. Работа над произведением крупной формой .....	10
Sayidov T. D. Xonandalik ovozining fiziologik va akustik xususiyatlari .....	14
Мирталипова И.М. Ҳинд мусика назариясидаги товушкатор структураларига бир назар .....	16
Raimova D.M. O'rta Osiya musiqa cholg'ularining paydo bolish tarixi .....	20
Расулов М.М. Мусиқа, теле ва радио дастурларнинг мухим компоненти ва композицион омили сифатида (тембр, темп, ритм, импульсивлик мисолларида) .....	23
Matyakubova U.G'. V-XV asrlar markaziy Osiyada musiqa madaniyatining nazariy asoslari .....	28

## KORKEM ÖNER

Ражабов Ҳ.Ж. Арсланбай Нажимов ижодига бир назар... .....	33
Matimuratov S.E. Qaraqalpaq kompozitorı Keñesbay Abdullaev doretiwshiligi haqqında .....	35
Qutekeeva R.A. Qaraqalpaq korkem önerinde Ilish Xojametovtin tutqan orni .....	39
Allaniyazov B.Q. Muzika korkem önerinin bayteregi ( <i>Kompozitor Najimatdin Muxammeddinovtin omiri ham doretiwshiligi haqqında</i> ) .....	44
Чаршемов Ж.А. «Қоблан» балетининг композицион хусусияти .....	48
Абдуллаева Ш.С. Труд все побеждает .....	57
Abatbaeva R.A. Qaraqalpaq korkem önerinde kompozitor Gayip Demesinovtin tutqan orni .....	61
Палўанова Г.А. «Аязий» драмасында қахарман характерин сәүлелендіриудиц өзине тән қәсийеттери .....	65
Палўанова Г.А. Қарақалпақстанда театр режиссурасының пайда болыуындагы миллий дәреклер .....	68
Muxammeddinov Q. Milliy opera ham balet janrdagi tariyxiy shigarmalar .....	71
Parmonov D.R. «Doira va urma zarbli cholg'ulari» musiqa san'atining yorqın namoyondasi .....	75
Каримова И.И. Традиции исполнения музыки Каракалпакского композитора Гаип Демесинова .....	78

## ATQARIWSHILIQ ÖNERI

Erejepov A.A. Baqsishılıq korkem önerinde doretilgen qosıq ham namalarını jaslar tarbiyasındagi ähmiyeti .....	83
Tnibaev P.K. Dirijyorlıq korkem önerinin turleri ham evolyuciyası .....	87
Шарипова А.Р., Сидикова А.М. К вопросу о фортепианном исполнительском искусстве в Узбекистане .....	92
Ayubov K.Z. Foniologiya va odam ovozi tasnifi .....	95
Ziyovutdinova Z.U. XIX asrning ikkinchi yarimida o'zbek xalq cholg'ulari ijrochiligi sohasidagi jiddiy o'zgarishlar .....	98
Dadaboyev X.M. Xalq cholg'ulari ansamblarini tashkil etish .....	100
Aliev N.G. Demli saz asbaplar tariyxi, klassikalıq muzika ham onin bügingi kündegi tutqan orni .....	102

Saidxonov A.S. Cholg'u konsert janrı tarixi va taraqqiyoti .....	105
Jumabaev A.E. Qaraqalpaq kórkem önerinde xalıq namalı qosıqlarınm tutqan orm .....	110

## MUZIKA PEDAGOGIKASI

Xojanazarov T. Vokal pedagogikasındıgı metodlardı zamanagoy pedagogikaga aylandırıw usılları .....	115
Ходжаметова Г.И. Задача обучения, воспитания и развития детей в музыкальной школе .....	117
Botirova X.T. Musiqa ta'limi pedagogikasida o'quvchi yoshlarnı ma'naviy-axloqiy ta'lim-tarbiyasını shakllantırısh .....	121
Saidumarov I. Ta'lim-tarbiya va shaxsning ma'naviy kamoloti xususuda sharq allomalarining qarashları .....	124
Абдисултанов Ж.Дж. Болалар мусика ва санъат мактабларида «Мусиқа адабиёти» фанини үкитишида инновацион ёнлашув .....	128
Матеќубов Э.Г. Мусиқада модулли таълим асослари .....	131
Najmetdinova N.I. Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida bolalarning mustaqil musiqiy faoliyatining ahamiyati va mazmuni .....	137
Iseev R.A. Fortepiano paniniň jahān muzika oqıw procesindegi ahmiyeti hám orm .....	141
Dauletbaev T.K. Milliy saz asbaplarım mektep oqıwshılarma üyretiwdin ahmiyeti .....	145

## JÁMIYETLIK-GUMANITAR PÁNLER

Бекбергенова З.У. Қарақалпақ халық дәстаны «Қырық қызы» хэм ҳәзирғи қарақалпақ драматургиясы .....	150
Утепова Т.Б. Маданиятлараро мuloҳot таҳлиллари Европа олимлари назарida .....	153
Жумашева А.Х. Интерактивные приёмы и формы проведения практических занятий .....	159
Саденова Г.П. Қарақалпақ паремиологиясында жақсылық концепти .....	163
Mambetnazarov M.K. Hoja Axmet Yassawiy hikmetlerinin jaslar tarbiyasındıgı ahmiyeti .....	166
Марзияев Ж.К. Мақаланың публицистикалық сыпатламасы .....	169
Камалова Д.Э. Шыгарма композициясында турмыс шынлыгын сәүлелендириу шеберлиги .....	171
Мамбетназарова Р.К. Идейно-тематические особенности жанр путешествия в Каракалпакской литературе (на примере «Путешествия в пять стран по океану» Тажена Изимбетова) .....	175

## JAS IZERTLEWSHILER

Paxratdinov J.A. Kop qırlı talant iyesi .....	180
Jumamuratova A.A. Qaraqalpaqstanda Opera janrımin tutqan orm .....	181
Muratbaeva A.A. Jaslardıń muzikalıq intellektin asırıwda muzika sinshısı Gúlmaryam Kamalovanıń orm .....	185
Orazalieva G.S. Güllengen dawirde — Jana namalar (Jamil Charshemov döretpeleri haqqında) .....	186
Segizbaeva G.Q. Qaraqalpaqstanda daslepki muzikalıq drama janrımin payda boliwi .....	188

**БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САНЬАТ МАКТАБЛАРИДА  
«МУСИҚА АДАБИЁТИ» ФАНИНИ ҮҚИТИШДА ИННОВАЦИОН  
ЁНДАШУВ**

Абдисултанов Ж. Дж.

Узбекистон давлат консерваторияси Нукус филиали

**Аннотация:** Ушбу маколада болалар мусиқа ва санъат мактабларида таълим жараёнида «Мусиқа адабиёти» фанини үқитишида инновацион ёндашув, шунингдек мусиқий воқеликка фикр билдиришда асосий вазифани бажариши ҳақида сўз етилади. «Мусиқа адабиёти» курсининг таълимнинг кейинги босқичларида бошқа мусиқий-назарий ва амалий фанлар билан узвий bogлиқлик жиҳатлари ҳамда бўлгуси мутахассис фаолиятида тутадиган ўрни хусусида тұхталамиз.

**Калт сўзлар:** мусиқа, санъат, мактаб, таълим, жараён, Мусиқа адабиёти, инновацион ёндашув.

**Аннотация:** В данной статье говорится об новаторском подходе к преподаванию «Музыкальной литературы» в образовательном процессе детей в музыкальных и художественных школах, а также об основной задаче выражения мнения о музыкальной действительности. Остановимся на аспектах неразрывной связи курса «Музыкальная литература» с другими музыкально-теоретическими и прикладными науками и роли будущего специалиста в его работе.

**Ключевые слова:** музыка, искусство, школа, образование, процесс, музыкальная литература, инновационный подход.

**Annotation:** This article talks about an innovative approach to the teaching of «Musical literature» in the educational process of children in music and art schools, as well as the main task of expressing an opinion on musical reality. We will dwell on the aspects of the integral connection of the «Musical Literature» course with other musical-theoretical and applied sciences and the role of the future specialist in his work.

**Keywords:** music, art, school, education, process, Music literature, innovative approach.

Болалар мусиқа ва санъат мактабларида таълим жараёнида мутахассислик фанлари билан бир каторда барча йўналишларга ҳафта давомида бир маротаба 45 дақиқа «Мусиқа адабиёти» фани гурух дарс сифатида олиб борилади. Ушбу ўқув курси 4 йилга мўлжалланган бўлиб, 7 йиллик таълим йўналишларига 4-синфдан, 5 йилик таълим йўналишларига эса 2-синфдан бошлаб үқитилади.

Биринчи ўқув йилида «Хорижий мамлакатлар мусиқа адабиёти», иккинчи ўқув йилида «Рус мусиқа адабиёти», учинчи ҳамда туртинчи ўқув йилларида эса «Узбек мусиқа адабиёти» дарслари фаннинг дастурига мувофиқ равишда белгиланган ўқув режа асосида олиб борилади.

Мусиқий-тарихий фанлар мажмуасидан ҳисобланган «Мусиқа адабиёти» фани ўқувчиларни юксак руҳда тарбиялашда, мусиқани тинглаб таҳлил қилишда, шунингдек мусиқий воқеликка фикр билдиришда асосий вазифани бажаради. Ҳар бир ижрочи жаҳон мусиқа маданиятига юксак хисса қўшган таниқли композиторлар ва уларнинг ижодий меросини яхши билишлари, утауган даврнинг мусиқа тарихи, йўналишлари, жанрлари ҳақида маълумотларга эга бўлишлари ва ҳар бир ижодий жараённи кузатиб таҳлил қилган холда ўз фикр мулоҳазаларини билдира олишлари керак. Анашу заруриятни тўлдириш мақсадида болалар мусиқа ва санъат мактабларида жорий этилган «Мусиқа адабиёти» ўқув курси қай даражада ташкил этилмоқда? Дарснинг сифат даражасига таъсир этувчи омиллар нималардан иборат? «Мусиқа адабиёти» курсининг таълимнинг кейинги босқичларида бошқа мусиқий-назарий ва амалий фанлар билан узвий bogлиқлик жиҳатлари ҳамда бўлгуси мутахассис фаолиятида тутадиган ўрни хусусида тұхталамиз.

Таниқли мусиқа тарихчиси, Москва консерваторияси профессори Ферман Валентин Эдуардович (1896–1948) XX асрнинг 30–40 йилларида «Мусиқа адабиёти» фанининг мазмунини ишлаб чиқади. Унинг фикрига кура бу фан асосан эстетик тарбияга қаратилган бўлиб, мусиқани тинглаш, идрок этиш, тушунишга ўргатиш, малакали тингловчини, мусиқа ихлосмандини тарбиялашга ҳизмат қилиши керак. Демак, биз ижрочини нафақат ижрочи балки, биринчи навбатда қизиқувчан тингловчи сифатида мусиқага жалб эта олишимиз зарур. Бунинг учун албатта педагогик тажриба ва маҳорат бирламчи урин тутади. Қачонки, ўкувчидаги фанга нисбатан қизиқиши пайдо бўлса, шундагина қўйилган мақсадга эриши мумкин. Масаланинг оғрикли нуктларидан бири айнан манашу. Яъни биз педагогларнинг «Мусиқа адабиёти» дарсларига ўкувчиларни жалб эта олмаётганимиздир.

Болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун «Мусиқа адабиёти» фанининг ўкув дастури (М.Б.Агаева, И.Ю.Сивая, Э.М.Каплина...) 2019 йилда қайтадан ишлаб чиқилди. 2020 йилдан бошлаб мазкур дастур асосида дарс машгулотлари олиб борилмоқда. Бироқ, дастурда келтирилган мусиқий материаллар тақдим этилмаган. Шунингдек, дарслик, ўкув қўлланмаларнинг етарли эмаслиги, айнан болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўкув дастурига мос, уларнинг синфи ва ёшига хос равишдаги маълумотларга эхтиёжларимиз юкори даражада.

Тўгри, «Мусиқа адабиёти» бўйича турли муаллифлар томонидан дарслик ва ўкув қўлланмалари яратилган ва яратилмоқда. Биз буларнинг барчасини (2000 йилдан бошлаб) илмий тадқиқотларимизда ўзбек ва рус тилидаги адабиётларга ажратиб ўрганишга ва таҳлил қилишга ҳаракат қилганимиз. Бироқ, «Мусиқа адабиёти» фани ўкув дастури асосида БМСМ ўкувчилари учун мўлжалланган дарсликка бўлган талаб юкори даражада. Бугун биз дарс жараёнида «Мусиқа адабиёти» курсининг биринчи ўкув йилида тузувчи ва таржимон Н.Шарипов томонидан 2014 йилда нашр этилган «Хорижий мусиқа адабиёти» («Хорижий мамлакатлар мусиқа адабиёти» деб ёзилса мантиқан тўгри бўлар эди) I китобидан, иккинчи ўкув йили («Рус мусиқа адабиёти») учун эса худди шу муаллифнинг «Хорижий мусиқа адабиёти» II китобидан фойдаланмоқдамиз.

Маълумки, курснинг учинчи ва туртинчи ўкув йили «Ўзбек мусиқа адабиёти»га багишлилади. Ачинарлиси шундаки, БМСМлари ўкувчилари учун «Ўзбек мусиқа адабиёти» бўйича ўзбек тилида яратилган хеч қандай ўкув қўлланма ва дарслик йўқ. Рус тилида эса 2015 йилда тузувчи ва муаллиф Н. Халимова томонидан нашр этилган «Узбекская музыкальная литература» биринчи ва иккинчи китоблари БМСМлари дастурига [5] мувофиқ ҳолда яратилган бўлиб, хозирда «Ўзбек мусиқа адабиёти»дан ўкув қўлланма сифатида фойдаланяпмиз.

Юкорида айтиб ўтганимиздек, фаннинг мазмунига мувофиқ ўкувчилар мусиқани тинглаб идрок эта олишлари зарур. Бу борада муаммо дастурда тинглаш учун келтирилган мусиқий асарлар ёзувлари (мр3, видеолари)ни тақдим этилмаганлигидадир.

Хорижий мамлакатлар ва рус композиторлари асарлари ёзувларини ижтимоий тармоклар орқали топиб, ўкувчиларга эшилтириш имконияти мавжуд. Бироқ, кўплаб ўзбек композиторлари асарларининг интернет сайtlariga жойлаштирилмаганлиги боис, улар ҳақидаги назарий маълумотларни бериш билан чекланилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек композиторлик ижодиёти XX асрдан бошлаб шаклланди. Катта даврни ўз ичига олмасада жаҳон саҳналарида намойиш этилган ўзбек миллий композиторлик асарлари яратилди ва хозирда ҳам яратилмоқда. Бироқ, шу юртда яшаб туриб, бу асарларни эшитишдан бебахра булишимиз..., Моцарт, Бетховен, Чайковскийлар ижодини тўлқинланиб сўзласак у, Ашрафий, Бурхонов ҳақида гапиришга ўйланиб колишимиз ачинарли ҳолат эмасми?

Туртинчи ўкув йили – «Ўзбек мусиқа адабиёти» иш режасига эътибор қаратадиган бўлсак, 9 соат Мухтор Ашрафий ҳаёти ва ижодини ўрганишга багишлиланган. Аммо, ишчи дастурида келтирилган унинг саҳнавий асарлари (опера ва балет) ижросининг на овозли ёзуви, на нота нашри бор. Бу билан қандай қилиб дарснинг мақсадига эришиш мумкин?

Ўкув режанинг 4-чорагида Ўзбекистоннинг замонавий композиторлари ҳаёти ва ижодини ўрганишга 1 соатгина ажратилган бўлиб, унга кура 45 дақиқада ўкувчилар Р. Абдуллаев,

А.Мансуров, Д.Омонуллаева ва бошқа композиторлар асарлари билан танишишлари керак. Қандай қилиб бола 1 соатда замонавий ўзбек композиторлари ҳақида назарий билимларни эгаллайди ва ижодидан тинглаб, уларнинг ўзига ҳос услубларини идрок эта олади? Бу 45 дақиқага юкландган вазифа жуда катта эмасми?

Ўкув дастури 2019-йилда янгиландган бўлсада, юкорида келтирилган камчиликлар фаннинг мақсад ва вазифаларини тўлақонли бажарилишига тўсқинлик қиласди.

Мусика таълимнинг ўрта бўгини ҳисобланган ихтисослаштирилган санъат мактаблари (аввал Давлат санъат билим юртлари, санъат коллежлари)нинг таълим жараёнида бошлангич мусика ва санъат мактабларида ўтилган мусика адабиёти курси — «Хорижий мамлакатлар мусика адабиёти», «МДҲ давлатлари мусика адабиёти», «Ўзбек мусика адабиёти» бўлиб, ҳар бири алоҳида фан сифатида машгулотлар олиб борилади. Шунингдек бу фанлар негизида ўзбек халқ мусика ижодиёти, шарқ ҳалқлари мусиқаси, бастакорлик ижодиёти, мусика танқидчилиги, нотиклик амалиёти ва мусика асарлари таҳлили каби бир қатор мусикий – тарихий ва назарий фанлар мажмуаси юзага келади. Олий таълим тизимида бу фанлар мажмуаси янада кенгаяди. Демакки, ҳар томонлама чукур мусикий – тарихий ва назария билимларга эга мутахассисни тарбиялашда «Пойдеворни» болалар мусика ва санъат мактабларида дарс жараёнларини мукаммаллаштиришдан бошлаш зарур. Куриб турганимиздек, БМСМлари ўкув режасидан ўрин олган биргина «Мусика адабиёти» фани таълимнинг кейинги босқичларида бир нечта мусикий фанларни ўзлаштиришимизга асос бўлиб хизмат қилмоқда. Щу боис ўкувчиларнинг мазкур фанга нисбатан муносабатларини ўзгартириш, ўқитишдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш айни вақтдаги долзарб масаладир.

Таълимнинг сифат даражасига таъсир этувчи асосий омиллардан бир бу — ўқитувчи яъни таълим берувчи ҳисобланиб, у ўз касбининг мутахассиси бўлиши зарур албатта. Нукус ихтисослаштирилган маданият мактабида 8 та ўқитувчи фаолият юритаётган бўлиб, уларда мусикий тарихий ва назарий фанлар бўйича мутахассис ўқитувчилар иш юритмоқдалар. Булардан 8 нафари олий маълумотга эга бўлиб, 3 нафари Ўзбекистон давлат консерваториясининг «Мусиқашунослик» 2 нафари «Композиция» ва 1 нафари «Мусикий таълим», бир нафари «Овоз режиссиёргилиги» йўналишларини тамомлаган. 1 нафар ўқитувчи педагогика институти ва университетларнинг «Мусикий таълим» йўналишида тахсил олган.

Мусикий – тарихий ва назарий фанлар бўйича мутахассис ўқитувчилар сон жиҳатидан муаммоли вазиятни келиб чиқишига сабаб бўлмасада бироқ, олий маълумотга эга мутахассис ўқитувчиларнинг озлиги (ЎзДКнинг «Мусиқашунослик» йўналишини таъмомлаган мутахассислар), уларнинг кўпчилиги педагогика институти ва университетларнинг «Мусикий таълим» йўналишида тахсил олганлиги ва вилоят бўйича мусикий – тарихий ва назарий фанлар ўқитувчиларининг 3 дан 2 қисми ўрта маҳсус маълумотга эга эканлиги ҳам дарснинг сифат кўрсаткичига таъсир кўрсатмай қолмайди албатта.

Хулоса ўрнида БМСМларида «Мусика адабиёти» фанини ўқитишда учраётган муаммоларни хал этишга қаратилган бир нечта таклифларимизни келтирамиз:

- Хорижий мамлакатлар ва рус мусиқаси бўйича дастурда кўрсатилган мавзулар ўринли бироқ, ўзбек мусиқаси бўйича берилган мавзулар таксимотини қайта куриб чиқиш ва замонавий композиторлар ҳаёти ва ижодини ўрганишга багишлиланган соатларни кўпайтириш;
- Дастурда тинглаш учун номлари берилган мусикий асарлар ижросининг аудио ва видео ёзувлари билан таъминлаш;

- Мактаб ўқитувчилари ва юкори синф ўкувчиларининг жонли ижроларидан фойдаланиш;
- БМСМларида фонотека ташкил этиш;

- Дастурда келтирилган асарлар нота матнлари клавир ва партитуралар нусҳаларини кўпайтириб БМСМлар кутубхоналарга етказиб бериш;

- Болалар мусика ва санъат мактаблари ўкувчилари учун давлат таълим стандартлари асосида ўзбек ва рус тилларида фан дастури асосида дарслик яратиш ва таъминлаш;

- Шифри 5150201 мусикашунослик йўналиши бўйича олий маълумотли мутахассислар билан таъминлаш; Республикаиз ҳудудларидағи мавжуд кадрлар масаласидаги вазиятларни инобатга олган ҳолда вилоятлар олий ўқув юртлари мусика йўналишларида ҳам «Мусикашунослик (5150201)» мутахассислиги бўйича алоҳида қабул квоталарини ажратиш;
- Мусика ва санъат мактаби битирувчилари таълимнинг кейинги босқичи – иқтисослаштирилган санъат мактабларига кириш жараёнида ўз мутахассисликлари билан бирга «Мусика адабиёти» фанидан ҳам имтихон топширишларини йўлга қўйиш;
- Замонавий таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда турли услубларни қўллаб тезтез очик дарс, маъруза канцертлари шунингдек, ҳудудлар ва Республика миқёсида билимлар беллашувларини ўтказиб борилиши фан мавзуларини ўзлаштирилишига самарали ёрдам беришига умид bogладик.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. «Маданият ва санъат соҳасининг жамият хаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш – чора – тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев. Тошкент ш., 2020 – йил 26 – май, Президент фармони – 6000.
  2. «БМСМ ларнинг моддий – техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009–2014-йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ. Тошкент ш., 2008 – йил 8 – июль, Президент карори – 910.
  3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. I жилд. Тошкент., Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашрёти, 2000.
  4. *Лагутин А.* Методика преподавания музыкальной литературы в детской музыкальной школе. – М., Планета музыки, 2016. 5. БМСМ учун «Мусика адабиёти» фани дастури. Тошкент., 2019.
- 

## **МУСИҚАДА МОДУЛЛИ ТАЪЛИМ АСОСЛАРИ**

**Матёкубов Э.Г.**

*Урганч давлат университети*

**Аннотация:** Ушбу мақолада модулли таълим тизими ва унинг аҳамияти, афзалликлари, таълим олувчиларнинг ундаги фаолияти ёритилган. Ўқув элементининг тузилиши ва тартиби акс эттирилган.

**Калим сўзлар:** модулли таълим, модулли дастур, модулли дарс, мотивация, ўз-ўзини назорат, субъект, объект.

**Аннотация:** В данной статье рассказывается о модульной системе обучения и ее значении, преимуществах и деятельности обучающихся в ней. Отражена структура и порядок воспитательного элемента

**Ключевые слова:** Модульное обучение, модульная программа, модульный урок, мотивация, забота о себе, тема, объект.

**Annotation:** This article describes the modular system of education and its meaning, the benefits and activities of students in it. Reflected the structure and order of the educational element

**Keywords:** Modular learning, modular program, modular lesson, motivation, self-care, topic, object.

Мехнат бозоридаги ўзгарувчанлик профессионал таълимдаги вазиятни янгиланишга олиб келмоқда. Тадқиқотчиларнинг фикрича, хозиги замондаги таълим масканларининг вазифаси факатгина умумий таълим ёки бутун умрга керак бўладиган касбни берибгина колмасдан, балки таълим олувчиларни кейинги таълим ёки хаётий фаолият давомида эгаллаши лозим бўлган янги